

УДК 201.55

ГЛОБАЛЬНЫЙ КЛИМАТ И ОБРАЗОВАНИЕ ПОЧВЫ

М.М. Сатторова¹, З.Р. Авлиёкулов²

Аннотация

В статье приведена информация о глобальном климате и образовании почвы.

Ключевые слова: почвы, пустынная зона, лес, луг, саванна.

Тупроқ ҳарорати ва тупроқ намлиги турли синфларга ажратилган: совуқ (қрийик), совуқроқ (фригид), темперамент (месик), илиқ (тҳермик) ва иссиқ (гипертермик), ҳамда арид (арид), семи-арид (устик), ўртача иқлимли (херик) ва гумидн (удик). Уголи ва Спалтенстен (1992) глобал ҳароратни тўққизта зонага бўлишган. Ҳар бир зона тупроқ таксономик бирликлари асосида тавсифланган.

Совуқ чўл зонаси. Совуқ чўл зонаси музликлар кўп бўлган ҳудудларни ўз ичига олади: Антарктида ва шимолий Греландия. Бу ерлар ҳаддан ортиқ қуруқ ва ҳаддан ортиқ совуқ ҳароратли ўлкалардир. Тупроқ ҳосил бўлиши бу ерда жуда секинлик билан боради. Тупроқ таксономик бирликка кўра Энтисол тупроқлар бу ерда ҳосил бўлади.

Қутб чўл зонаси. Бундай зона шимолий Арктиканинг асосий қисмини ташкил этиб, ҳаддан ортиқ қуруқ ва жуда совуқ ҳароратда бўлади. Кимёвий нураш камроқ лекин совуқ чўл зонасига нисбатан кўпроқ бўлади. Тупроқ таксономик бирликларига кўра бундай зонада Энтисол тупроқлар ҳосил бўлади. Тундра. Тундра зона қутб чўлларида маргин дарахт линиясига қадар чўзилади. Бундай зонада арид ва совуқ ҳарорат ҳукм суради. Мика каби минераллар ва темир-гидроксил неоформацияси юқори қатламда ҳосил бўлади. Тупроқ таксономик бирликларига кўра бундай зонада Инсептосол (янги, секинлик билан ривожланаётган тупроқ) тупроқлар ҳосил бўлган (1975-йил).

Шимолий ўрмон. Бу зонага шимолий Арктик дарахт линиялари киради. Тундра тупроқларига қараганда бу ерда биомасса бироз кўпроқ бўлиб, иқлим ҳам илиқ бўлади. Бу тупроқларда углеродли кислоталар, Аллофон ва имоголит каби кристалланмаган силикатлар доминант бўлади. Сподосол, ёки Подзол тупроқлар бундай ҳудудларда пайдо бўлади.

Игна баргли ўрмон зонаси. Бундай зоналар шимолий ўрмоннинг ўрта қисмларида бўлиб, намгарчилиги юқори ва нам иқлимга эга. Ўсимлик қолдиқларига бой. Азот, ва катионлар кўп лигнин моддаси кам. Органик қолдиқлари кўп Гумус юқори. Чувалчанглар тупроқ минераллари билан Бундай зонада Инсептисол ва Алфисол, Камбисол, Лувисол тупроқлар ривожланган.

Ўтлоқ. Ўтлоқ ёки чўл зонасида ҳарорат иссиқ, ёзда иссиқ ва қишда совуқ бўлади. Ёмғир баҳор ва куз давомида ёғади. Бундай зонада тупроқда органик модда, юқори CO₂ ва углерод кислоталар ҳосил бўлади. Органик модда аккумуляцияси туфайли тупроқ тўқ тусда бўлади.

Иссиқ чўл. Бу зона кам миқдорда ёғингарчилик ва жуда юқори ҳароратга эга. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари паст даражада. Тупроқ органик моддаси, ювилиши, биомассаси кам. Бу зонада Андисол, Солончак, Солонетс, Гипсисол, Калсисол каби тупроқлар ҳосил бўлган.

¹Сатторова Махфуза Муҳиддиновна, преподаватель, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

²Авлиёкулов Зарифжон Рамазон угли, студент, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

Саванна. Саванна тропик ва субтропик иқлимли, қуруқ ҳароратли бўлади. Бундай тупроқларда углерод кислота доминант бўлади. Тупроқ суяқ фазаси силикат кислота билан бойиган бўлади.

Тропик ёғингарчилик. Ёғингарчилик юқори бўлиб, юқори ҳарорат бу зонада ҳукм суради. Биомасса маҳсулотлари, кучли нураш бўлади. Органик модда кам. А қатлам эса юққа бўлади. Темир моддаси эса бундай тупроқларда кўп бўлади.

Топография термини ер юзасини тасвирлайди. Топография релеф, аспект ўқлари, умумий шакл ва ер юзаси билан боғлиқ. Топография қуёш радиацияси, ёғингарчилик ва шамолнинг турлича тарқалишида муҳим омил. Релеф тупроқ ҳосил бўлишида муҳим омиллардан бири. Рельефнинг турлича бўлиши тупроқнинг пайдо бўлишига таъсир этади.

Тупроқ генезиси ва хоссаларида биота муҳим рол ўйнайди. Тупроқ ҳосил бўлиш моделлари Докучаев, Жоффе, Торф, Женни, Симонсон, Вилд, Патон, Жонсон, Бримгал ва бошқалар томонидан ўрганиб чиқилган. Тупроқ биотаси сув ўтлари, лишайниклар, бактериялар, қушлар, чумолилар, замбуруғлар, ҳашаротлар, чувалчанглар, дарахтлар, ўтлар томонидан ҳосил бўлади, ювилади ва трансформация бўлади. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёни жуда узоқ муддат ичида рўй беради. Тупроқ ҳосил бўлишида минг йил ҳаттоки, миллион йиллар ҳам кетади. Тупроқ ҳосил бўлишида қанча вақт кетганини тўлиқ ўрганиб бўлмайди, чунки инсон ҳаётидан ҳам кўпроқ вақт давомида ҳосил бўлади. Ҳамма тупроқлар ҳосил бўлишида бир хилда вақт сарфланмайди. Баъзи тупроқлар ҳосил бўлишида кўп вақт сарфланса (100 миллион йил), баъзи тупроқлар ҳосил бўлиши тез муддат орасида бўлади. Тупроқ қатламларининг ҳосил бўлишида ҳам турлича вақт сарфланади. Масалан, тупроқ юза қатлами ҳосил бўлишида кам асрлар кетса, ўрта қатлам ҳосил бўлиши эса жуда секинлик билан боради ва бир неча йиллар вақт сарфланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдрахмонов Т., Турсунов Л., Жабборов З., Артиков Ҳ., Қахарова М. "Тупроқшуносликка кириш". Университет нашриёти. Ташкент, 2014.

© М.М. Сатторова, З.Р. Авлиёкулов, 2019